Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 16 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 30 (6926)

Da'vat

Яхшилар кетидан агар чопарсан, Истагинг, бахтингни шунда топарсан.

САЪДИЙ.

Ibrat

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги «Маҳдум» хусусий фирмаси бошқарувчиси Б. Сапарбоев халқ таълими бўлимига қарашли 90 ўринли «Райҳон» болалар боғчасини таъмирлаб берди.

Ijro

Шу йил, февраль ойи сўнгида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов сўзлаган таъсирчан маъруза юртдошларимиз ёдида бўлса керак. Юртбошимиз ўз нутқида 1997 йилда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим, устувор масалалар бўйича тўхталар экан, жумладан шундай деган эди: «Демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамрай оладиган махсус Миллий дастур тузиш лозим».

Ушбу устувор вазифа тезда ўзининг аниқ ечимини топди. Хабарингиз бор, шу йил 10 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тузиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Хўш, ушбу фармойиш қандай бажарилаяпти? Бу саволга ҳалқ таълими вазири ўринбосари Хайриддин Маъсудов қисқача шундай жавоб берди:

МИЛЛИЙ ДАСТУР ТУЗИЛМОҚДА

— Мукаммал билимга эга бўлган, барча замонавий талабларга жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш биз учун бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу вазифа бизга, таълим тизимида ишлаётган барча кишиларга улкан масъулият юклайди.

Мамлакатимиз мустақиллика эришгач, таълим тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар ўтказиш эҳтиёжи юзага келган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра тузилаётган кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур, умид қиламанки, таълим тизимини ислоҳ қилишга, тузилма янгиланишларини амалга оширишга кенг йўл очади.

Айни кунда, мазкур фармойишнинг бажарилишини таъминлаш учун қизғин ишга киришилган. Мактабгача тарбия ва ўрта махсус таълим тизимида, бошланғич касб-ҳунар таълими йўналишида ва олий таълим бўйича Миллий дастур лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳаларни тузиш учун ишчи гуруҳлари ташкил қилинган бўлиб, бу ишга етук олимларимиздан тортиб тажрибали ўқитувчиларимизгача жалб қилинган. Бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш ниятида кўплаб очиқ муҳокотлар ҳам ўтказилмоқда.

Барча йўналишлар бўйича тайёрланаётган лойиҳаларни яхлит ҳолатда апрель ойининг охиригача Вазирлар Маҳкамасига топшириш режамизга киритилган. Кадрлар тайёрлаш бўйича тузилаётган Миллий дастур нафақат таълим тизимида, балки мамлакатимиз ҳаётида ҳам катта воқеа бўлиши, унга сезиларли янгиликлар киритиши, шубҳасиз.

Дарвоқе, фарзандларимизнинг билим ва касб чўққиларини эгаллашлари учун уларга имконият эшикларини кенг очиб бериш, мамлакатимиз равнақи учун малакали кадрлар тайёрлаб етказиш ҳаммамизнинг вазифамиз. Шундай экан, сиз муштарийлар ҳам малакали кадрлар тайёрлаш хусусида фикр-мулоҳазаларингиз, миллий дастур бўйича таклифларингиз бўлса, қисқа ва лунда қилиб тахририятимизга йўллашингиз мумкин!

И. БЎРИБОЕВ.

«КОМБАЙННИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАМИЗ»

9-синфда таҳсил олаётган Сайдулло Турсунов устозига шундай демоқда. Дарвоқе, Сайдуллони танийсиз-а? У Наманган туманидаги ўқувчилар техник ижодиёт марказининг аъзоси. Устози — Аҳмаджон Жўраев эса, шу марказдаги ёш конструкторлар тўгарагининг раҳбари. «Сайдуллога ўхшаш зеҳни баланд шогирдларим анчагина, — дейди Аҳмаджон ака. — Улар билан бирга бўлиш мен учун мароқли. Ҳамиша шогирдларимнинг фикрлашини хаёлотини ўстиришга, уларни янги-янги техник моделлар, ихтиролар яратиш учун ундашга ҳаракат қиламан».

Суратда: устоз ва шогирд янги моделни кўздан кечиришмоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Конрад Аденауэр жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Украина миллий телекомпанияси ва радио компанияси, «Немистўлқини» радиостанциялари ҳамкорлигида «Радио ва телевидение — ахборот маконида ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда устунлик учун рақобат» мавзуидаги халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Конференцияни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев табрик сўзи билан очиб, конференция ишига омад тилади.

Унда Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Райнхарт Биндзайл, Украинанинг Ўзбекистондаги элчиси В. Сметанин, хорижий ҳамда ўзбекистонлик олимлар, мутахассислар ва журналистлар қатнашдилар.

Бугун халқаро анжуман ўз ишини давом эттиради.

JUMLADA JAHON

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавсни қабул қилди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар, фан ва маданият ҳамда хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуалари мажлисларида инсон манфаатларини таъминлаш борасида йилнинг биринчи чорагида бажарилган ишлар таҳлил этилди.

❀ Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги туркий давлатлар ва жамоаларнинг дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик 5-қурултойида барча туркий давлатлардан ва дунёнинг турли жойларида яшаётган туркий қавмлардан вакиллар иштирок этди.

❀ Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида бир неча кун давом этган жанглардан сўнг ҳукумат қўшинларининг етиб келиши натижасида тартиб қайта тикланди.

❀ Исроил маъмурлари бошқаруви фаластинликлар ихтиёрига берилган Хеврон шаҳрида тартибсизликлар давом этаётганлиги сабабли бу ерга ўз қўшинларини киритишни мўлжалламоқда.

❀ АҚШ ҳукумати Европа давлатларига мурожаат қилиб, Эрон Ислом Республикасини иқтисодий қамал қилишда Оқ уй маъмуриятини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

МАРС ТОМОНЛАРДАН

АҚШ космик тадқиқотлар агентлиги НАСА томонидан учирилган «Марс патфайндер» автоматик станцияси парвоз раҳбари Ричард Кукнинг айтишича, техник носозликлардан дарак берувчи сигналлар юбормоқда. Марсдан 120 миллион километрда учиб юрган йўлдош сайёрага қуниши ва ҳаёт борми, йўқми деган саволга узил-кесил жавоб бериши керак.

«ГРЕЛАНДИЯ КЕМИРУВЧИСИ»

Каламуш ер юзидаги энг қадимги кемирувчи бўлиши ҳам мумкин. Профессор Фариш Женкинс бошчилигидаги экспедиция Греландия оролининг шарқий соҳилидан 200 миллион йил аввалги каламушнинг музга айланган чаноқ ва жағ суякларини топди. Триас даври — иссиқ иқлимда яшаган кемирувчини шартли равишда «Греландия каламуши» деб атадилар.

ПИРАМИДА ЁПИЛМОҚДА

Мисрдаги 100 га яқин пирамидалар галма-гал таъмирлаш учун ёпиб қўйилмоқда. 1997 йил 1 майдан энг кичик — 66 метр баландли Микериноса пирамидасида уч ой давомида электр ёритиш тизими, хилхоналар қайта таъмирлаб чиқилади. Микериноса эрамиздан аввалги 2533-2505 йилларда қад кўтарган.

Bir soatlik dars

САТРЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ватан... Нақадар сирли, улуғвор. Буни ич-ичингдан ҳис қилган онларингда вужудингда ажиб бир энтикиш, ғурур туйғулари жўш уради, инсонларга доимо Ватанга бўлган ишонч, муҳаббат туйғуси далда бўлиб келган, ҳаётига мазмун кашф этган.

Ўзбек бўлиб яралган ҳар бир инсон учун Ўзбекистон муқаддас Ватандир. Унинг эришаётган ҳар бир ютуғидан, довруғидан ифтихор туйғусини ҳис этаркансан, беихтиёр ўйга чўмасан, ўйларингда ўтмиш гавдаланади. Ватанимиз бошига не-не кулфатлар ёғилмади... Қанчалаб буюк зотлар Ватан деб унинг озодлиги, ободлиги йўлида жонларини қурбон қилишди. Яқинларгача Ватан туйғусини барча нарсалардан устун қўйган миллатдошларимизга «миллатчи» тамғасини босиб не кулфатларга гирифтор қилишгани барчамизга аён.

Шукрки, Ватанимиз мустақил бўлди. Бу бир жиҳатдан чексиз бахт бўлса, яна шунча масъулият эканлигини ҳис этмоғимиз лозим. Эндиликда унинг барча соҳада дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларидан бирига айлантириш ўзимизга боғлиқ бўлиб қолди.

Ватанни бекорга она Ватан дея онага қиёслашмайди. Она дунёда энг меҳрибон зот, шу билан бирга ҳар доим меҳрингга муҳтож. Ватан ҳам худди шунақа. Иккаласи олдида доимо қарздормиз.

Шу ўринда бир хикмат ёдимга тушади: Онангга кўрсатган энг катта мурувватининг ҳам унинг сен учун ўтказган уйқусиз тунларининг бир сониясига тенг бўлур экан. Хўш, шундай экан, Ватан олдидаги бурчнинг сониялари-чи, адо этиляптими?

Ҳа. Бунга яқинда бир дарс жараёнига қатнашиб, яна бир бор амин бўлдим. Дарс шаклан бошқаларидан фарқ қилмасада, моҳиятан фарқли эди. Талабаларни зимдан кузатаркансиз юзларида ҳаяжон, қизиқиш, энг қувонарлиси, баъзи бошқа дарсларда учрайдиган бефарқликни учратмайсиз.

Талабаларни ўзига ром эта олган дарснинг номи нима эди дея қизиқишингиз табиий.

У «Ватан туйғуси» дарси. Шу номли китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртларига маънавият ва маърифат курсини ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш учун тақдим этилган эди.

Айтиб ўтилган дарс таассуротларидан маълум бўлдики, ушбу дарслик бўйича машғулотлар Тошкент давлат педагогика институтида 22 мартдан бошлаб юборилган экан. Дарс жараёнининг тўла тафсилотлари билан танишиш учун ўқитувчи Матлуба Қаҳҳоровага бир қанча саволлар билан мурожаат қилдим.

— Талабаларнинг машғулотларга алоҳида қизиқиш билан ёндошишаётганлигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Барчага маълумки, республикамизда маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор билан қарала бошланди. Ҳукумат қарорлари чиқди, таълим тизимида маънавият ва маърифат курси ташкил этилди. Биз ҳам ушбу курс ташкил этилгандан кейин бир қанча муаммоларга дуч келдик. Гарчи маънавиятимиз негизи мустаҳкам бўлсада, ушбу йўналишда аниқ бир қўлланмага эҳтиёж сезилди. Ушбу китобнинг нашр этилиши хайрли иш бўлди деб ўйлайман. У бизга ана шундай қўлланма вазифасини ўтаяпти. Зеро маънавиятимиз асосини, энг аввало, Ватан туйғуси ташкил этади.

Талабаларимизнинг дарсга ёндошишдан гувоҳи бўлиб турибсизки, улар Ватанимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажагига бефарқ эмас. Машғулотларнинг янада қизиқарли ўтиши учун кафедрамиз ўқитувчилари, яъни этика-эстетика кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент М. Зарипов, фалсафа фанлари номзоди доцент Р. Каримовлар ўзларининг бор билими ва тажрибаларини ишга солишяпти.

— Бевосита китоб ҳақида қандай фикрдасиз?

— Унинг қанчалик аҳамиятга эгалиги номидан ҳам кўриниб турибди. Китоб ўзининг чуқур илмийлиги билан бир қаторда мавзуларининг аниқлиги, тилининг халқчиллиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

— Машғулотлар 30 соатга мўлжалланибди. Бу юксак масъулиятли мавзу учун кам эмасми?

— Бу мавзу ишнинг бошланиши холос. Ҳозирча машғулотлар фақат битирувчи курс талабаларига олиб борилаётганлиги ҳам сир эмас. Кейинги ўқув йилидан институтимиз раҳбарияти бу борада барча талабаларга ва кўпроқ соатларга мўлжалларган дарс режаси тузишини маълум қилди.

Ватан туйғуси... Ушбу дарс жараёнининг қандай кечаётганлигини айнан шу институтдан тайёрлаганлигимизнинг ҳам чуқур сабаблари бор. Зеро, ушбу илм даргоҳида таълим олаётган талабаларнинг ўзи эртага устоз бўлади. Демакки, улар сабоқ берадиган ёшларнинг саводи, энг аввало, чақалоқнинг тили она деб чиққанидек, Ватан дея чиқса, уни англаб етишига хизмат қилса, ажаб эмас.

Рустам БОЙМАТОВ.

КЎЗГУДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.
2-бет.

«ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ».
3-бет.

СИЗДАН ИБРАТ ОЛАМИЗ, УСТОЗ!
4-бет.

Homiylar haqida so'z

ҲУРМАТ

Нафақа гашти деймизу, киши юрса яхши-я. Худо ётгулик қилмасин, одам ўзгага интизор, зор бўлмасин. Устоз зерикиб, кўнгли чўкиб ва ўксиб, дўстлари-ю шогирдлари дийдор-рухсорига мунтазир ётса-ю ҳеч ким келмай, унутилгандай оғир ташвиш аламини чекса, афсус надомат бўларкан. Унвонлар, ёрлиқ, иззат-икромлар, тавалдларда эъзозлаб эркалашлар, мақташлар кўз ўнгидан ўтиб, ўкинч, ўксикларни эслаб, дили эзилиб қоларкан. Улар 73, 82, 89, 96 ёшли нуроний табарруклар. Хизмат кўрсатган, жанггоҳ, педагог фахрийлари...

Зар қадрини заргар билур деганларидек, меҳрибон ва ғамхўр 85 ёшли Шорайим ота Гадойбоев, эпчил ва ширинсухан ёрдамчиси Тўлаган Рустамовлар ўксиганлар ҳолидан хабар олишни, улар дардига малҳам бўлишни истаган эзгу ниятли кишилардир. Зотан одамийлик, маънавий далда, рағбат нелигини дили ила сезганларгина кўнгил кўтара оладилар.

Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» фирмаси бошлиғи Баҳодир Каримов ёрдамчиси Фарруҳжон Расуловлар ҳам қалбида нуронийларга товланган меҳри туфайли 1994 йилдан буён ҳар Наврўз, Мустақиллик байрами, Ғалаба куни, ҳайит айёми каби улуғ кунларда кексаларни йўқлашдек савобли ишларни дилига жо қилганлардан. Яқиндан фирма раҳбарлари бир пиёла чой устида қариялар билан суҳбат қурдилар. Улар кексаларга моддий ёрдамларини баҳам кўрдилар. 30 нафар қария, ногирон, юролмай қолган педагогларга 10 минг сўм пул ажратиб, совғалар ҳадя қилдилар.

Сабр — қаноат улуғ неъмат,
Бардошли бўлсанг, сен саломат.
Букилмас асло қадду қомат,
Тетикликдан берур далолат.

Чин дўстинг қани, ким деганда: «Шодлик кунларингда, танглик онларингда, ғамгин тунларингда, таҳликали дамларингда балогардон, ёнма-ён, ҳамдам, саргардон, саҳиёна бўла олганларидир», — деб:

Анвархон АҲМАДҚОРИ ўғли,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

«МАЪРИФАТ»НИНГ ИККИ АКСИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети маданият саройида рассом, пойтахтимиздаги санъатшунослик олийгоҳи ўқитувчиси А. Маматованинг ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мусаввиранинг ўнлаб гўзал экспонатлари, бетакрор рангларни уйғунлаштирган полотнолари, пейзаж ва портретлари намойиш этилди. Кўргазмада иштирок этган республика «Маърифат ва маънавият» маркази раҳбари Н. Аминов, санъатшунослик олийгоҳи ректори, профессор М. Қодиров ва бошқа йиғилганлар А. Маматова ижодига, яратган асарларига юқори баҳо бердилар. Кўргазмадан сўнг Тошкент Давлат санъатшунослик олийгоҳи талабалари «Макбет қасри» номли диплом-спектакль ҳам намойиш этишди. Шу куни Тошкент Давлат университети маданият саройида ташкил этилган ушбу маърифий тадбир йиғилганларга ўзгача завқ бағишлади.

Норали ОЧИЛОВ.

ДАРОМАД — ЛИЦЕЙ ЭҲТИЁЖИ УЧУН

Навбаҳор туманидаги Учтут нафис санъат лицейида «Дизайн» деб номланган кичик корхона иш бошлади. Мақсади ҳам чакки эмас. Яъни хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатиб, ташкилот ва корхоналар идораларида ишхоналарни жиҳозлаш билан шуғулланади. Шунингдек, корхонанинг мебель цехида нақшинкор уй жиҳозлари ҳам тайёрланади. Хуллас, ишлаб чиқаришдан тушган даромад лицей эҳтиёжи учун сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Д. АЛИҚУЛОВА.

ҚЎШИҚЛАРДА КЎРИНГАН ЮРАК

Болалар қалби уларнинг фикрларидан кўра кўпроқ ижро этган қўшиқларида кўринар экан. Жалолқудуқ туманида бўлиб ўтган «Ўзбекистонимни куйлайман» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловида қатнашганлар бунга гувоҳ бўлишди. Унда 2, 20, 13-болалар мусиқа мактаблари жамоалари 30 дақиқали дастур намойиш қилдилар. Республикамизнинг Давлат мадҳияси, миллий чолғу куйлари, шунингдек, якка куй ва қўшиқлар ижро этилди. Томошабинлар олқишига сазовор бўлган Ойим қишлоғидаги 20-болалар мусиқа мактаби жамоаси танловда биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Ф. ЖУМАЕВА.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили						Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Наманган шаҳри	666	39.89	17	226	45.12	7	491	43.16	7	157	47.47	4
2	Косонсой шаҳри	57	35.58	18	12	34.95	16	42	37.10	16	8	54.17	1
3	Ҳаққулобод шаҳри	47	43.20	15	4	47.92	4	22	31.69	17	1	16.67	15
4	Учқўрғон шаҳри	107	54.23	2	9	53.09	2	60	52.27	1	3	31.48	11
5	Чортоқ шаҳри	176	50.85	5	14	37.90	12	96	43.55	5	9	33.33	9
6	Чуст шаҳри	118	50.19	6	14	34.13	17	69	44.97	2	7	53.57	2
7	Наманган тумани	395	47.27	11	2	25.00	18	245	39.93	13	2	23.61	14
8	Косонсой тумани	220	42.71	16	6	35.65	14	137	42.54	8	4	26.39	12
9	Норин тумани	478	49.23	8	5	35.00	15	236	39.63	14	0	0.00	0
10	Учқўрғон тумани	496	46.04	13	20	41.94	8	251	40.27	12	9	33.02	10
11	Чортоқ тумани	408	52.11	3	3	40.74	9	224	44.18	3	0	0.00	0
12	Чуст тумани	363	48.61	9	8	38.54	11	187	43.76	4	4	24.31	13
13	Поп тумани	432	49.54	7	32	47.48	5	219	41.37	10	12	45.83	5
14	Тўрақўрғон тумани	445	46.99	12	11	46.97	6	256	37.73	15	6	35.19	6
15	Янгиқўрғон тумани	564	48.55	10	10	36.94	13	325	40.33	11	6	48.15	3
16	Мингбулоқ тумани	219	45.78	14	25	40.00	10	116	43.18	6	9	33.33	8
17	Уйчи тумани	570	51.44	4	12	49.54	3	308	41.68	9	4	33.33	7
18	Давлатобод тумани	8	56.94	1	15	59.07	1	0	0.00	0	0	0.00	0





	Шаҳарлар ва туманлар	Физика						Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Наманган шаҳри	196	26.64	12	80	29.83	4	40	55.14	15	10	65.28	2
2	Косонсой шаҳри	28	21.33	17	5	26.11	7	2	55.56	13	3	57.41	4
3	Ҳаққулобод шаҳри	13	30.77	3	1	30.56	3	12	40.74	18	0	0.00	0
4	Учқўрғон шаҳри	17	29.74	5	2	23.61	12	20	67.22	4	2	65.28	1
5	Чортоқ шаҳри	38	32.24	2	4	23.61	11	30	71.11	3	2	50.00	9
6	Чуст шаҳри	22	32.83	1	4	31.94	2	16	73.78	1	1	47.22	11
7	Наманган тумани	100	26.64	13	2	16.67	15	55	53.54	17	0	0.00	0
8	Косонсой тумани	73	27.02	11	2	25.00	9	32	59.20	8	2	54.17	6
9	Норин тумани	98	28.09	9	0	0.00	0	111	56.91	11	0	0.00	0
10	Учқўрғон тумани	87	25.89	14	6	21.76	13	124	58.36	9	3	50.93	8
11	Чортоқ тумани	78	29.95	4	0	0.00	0	74	60.85	5	0	0.00	0
12	Чуст тумани	94	28.16	8	2	20.83	14	65	53.80	16	0	0.00	0
13	Поп тумани	101	28.85	6	7	26.59	6	93	60.48	7	3	53.70	7
14	Тўрақўрғон тумани	89	24.78	16	5	33.33	1	64	55.86	12	0	0.00	0
15	Янгиқўрғон тумани	131	28.50	7	1	25.00	8	84	55.46	14	1	47.22	10
16	Мингбулоқ тумани	49	25.79	15	2	23.61	10	53	58.33	10	8	54.51	5
17	Уйчи тумани	132	28.05	10	3	28.70	5	86	60.56	6	0	0.00	0
18	Давлатобод тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	2	73.61	2	1	61.11	3





Davlat test markazi tahlili

КЎЗГУГА ҚАРАШ НАВБАТИ – НАМАНГАН ВИЛОЯТИГА

Рўзноманинг олдинги сонларида Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳри бўйича, шунингдек, Тошкент шаҳар туманлари, Бухоро вилоятининг туман ва шаҳарларидан келган абитуриентларнинг 1996 йил тест синовлари натижаларининг статистик таҳлили махсус жадваллар ва гистограммалар ёрдамида берилган эди. Бугунги сонимизда Наманган вилояти туман ва шаҳарларидан келган абитуриентларнинг тест синовларидаги жавобларининг барча фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари берилган.

Жадваллар ва гистограммалардан ўзбек тилидаги гуруҳлар бўйича Наманган вилоятида самарадорлик кўрсаткичлари ўзбек тили ва адабиёти — 47.48%, тарих — 55.37%, математика — 41.62%, кимё — 43.52%, физика — 27.56%, биология — 58.35%, география — 49.38%, инглиз тили — 36.25%, немис тили — 27.20%, француз тили — 28.25 фоиздан иборат бўлиб, чет тилларидан бошқа барча фанларнинг самарадорлик кўрсаткичлари Республика бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан бирмунча юқори эканлиги кузатилди.

Вилоят шаҳар ва туманларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлилига назар солсак, ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича Давлатобод, Уйчи, Чортоқ, Поп, Норин туманлари, Учқўрғон, Чортоқ ва Чуст шаҳарларидан; математика фани бўйича Мингбулоқ, Чуст, Чортоқ туманлари, Чуст, Чортоқ, Учқўрғон, Наманган шаҳарларидан; физика фани бўйича Поп, Чортоқ туманлари, Чортоқ, Учқўрғон, Ҳаққулобод шаҳарларидан; биология фани бўйича Учқўрғон, Чортоқ ва Чуст шаҳарларидан; кимё фани бўйича Уйчи, Мингбулоқ, Поп, Чортоқ туманлари, Чуст, Чортоқ, Учқўрғон шаҳарларидан; тарих фани бўйича Уйчи, Чортоқ, Наманган туманлари, Чортоқ ва Учқўрғон шаҳарларидан; география фани бўйича Уйчи, Мингбулоқ, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Наманган туманлари, инглиз тили фани бўйича Давлатобод тумани, Чуст, Чортоқ ва Наманган шаҳарларидан; француз тили фанидан Уйчи, Тўрақўрғон Норин туманлари, Чуст шаҳридан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан юқори. Наманган шаҳри она тили ва адабиёти, физика, биология, кимё; Тошбулоқ шаҳри она тили ва адабиёти, математика, кимё; Косонсой шаҳри она тили ва адабиёти, математика, биология, кимё, тарих, инглиз тили, немис тили; Ҳаққулобод шаҳри она тили ва адабиёти, математика, биология, кимё, тарих, француз тили кўрсаткичлари бирмунча паст. Шунингдек, Косонсой тумани она тили ва адабиёти, математика, кимё, тарих, география, инглиз тили, немис тили, француз тили; Наманган тумани биология, кимё, немис тили, француз тили; Норин тумани математика, биология, кимё, география, инглиз тили, немис тили; Тўрақўрғон тумани математика, физика, биология, кимё, тарих, инглиз тили; Янгиқўрғон тумани биология, кимё, тарих, инглиз тили, немис тили фанларидан самарадорлик кўрсаткичлари маълум миқдорда вилоят кўрсаткичларидан паст.

Юқорида қайд қилинган фан ўқитувчилари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, услубиёт хоналарининг мутахассислари ўзларининг камчиликларининг нимада эканлигини аниқлашлари ва бутун педагогик фаолиятларини шу камчиликларини бартараф этишга қаратишлари зарурлиги тест синови натижаларининг таҳлилий хулосаларидан келиб чиқади. Тест топшириқларини бажаришда фанларнинг мавжуд бўлимларига хос масалалари бўйича таққослаш, таҳлил этиш ва оқибат-натижада чуқур мазмунли хулосалар қилиш, мантиқий фикрлаш, ўқув қўргазмали воситалардан унумли фойдаланиш масалаларига эътиборни кучайтиришлари лозим.

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё						Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Наманган шаҳри	68	39.71	15	10	64.17	2	150	49.02	15	59	45.39	5
2	Косонсой шаҳри	2	41.67	9	3	37.96	8	13	44.66	18	1	80.56	1
3	Ҳаққулобод шаҳри	12	36.11	18	0	0.00	0	14	51.39	13	3	35.19	11
4	Учқўрғон шаҳри	32	54.69	3	2	63.89	3	27	66.87	1	4	32.64	12
5	Чортоқ шаҳри	40	53.96	4	2	41.67	6	53	64.99	2	3	30.56	15
6	Чуст шаҳри	18	58.49	2	1	25.00	11	33	51.09	14	6	26.39	16
7	Наманган тумани	62	40.50	12	0	0.00	0	108	58.69	5	0	0.00	0
8	Косонсой тумани	40	39.93	14	2	29.17	10	58	51.68	12	0	0.00	0
9	Норин тумани	119	38.98	17	0	0.00	0	154	56.60	6	5	41.11	8
10	Учқўрғон тумани	129	44.57	8	2	38.89	7	158	54.45	9	8	37.50	10
11	Чортоқ тумани	80	47.95	6	0	0.00	0	144	60.09	3	3	31.48	14
12	Чуст тумани	53	40.25	13	0	0.00	0	130	52.03	11	4	40.28	9
13	Поп тумани	85	49.44	5	3	44.44	4	140	55.69	8	17	49.18	2
14	Тўрақўрғон тумани	59	40.91	10	0	0.00	0	152	52.81	10	5	47.22	4
15	Янгиқўрғон тумани	93	39.61	16	1	41.67	5	174	55.83	7	3	48.15	3
16	Мингбулоқ тумани	51	45.04	7	9	37.35	9	60	47.96	16	8	31.94	13
17	Уйчи тумани	93	40.65	11	0	0.00	0	198	59.75	4	8	44.79	6
18	Давлатобод тумани	1	88.89	1	1	88.89	1	7	46.43	17	14	43.25	7





	Шаҳарлар ва туманлар	География						Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Наманган шаҳри	5	55.00	6	0	0.00	0	306	39.54	5	114	49.39	3
2	Косонсой шаҳри	1	61.11	2	0	0.00	0	21	33.99	12	3	44.44	5
3	Ҳаққулобод шаҳри	1	44.44	10	0	0.00	0	11	38.38	6	3	37.96	8
4	Учқўрғон шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	47	51.30	2	2	41.67	6
5	Чортоқ шаҳри	3	36.11	16	0	0.00	0	68	45.75	3	5	36.67	9
6	Чуст шаҳри	2	72.22	1	0	0.00	0	57	40.89	4	7	27.38	15
7	Наманган тумани	12	55.56	5	0	0.00	0	88	36.36	8	0	0.00	0
8	Косонсой тумани	4	40.97	15	0	0.00	0	53	30.08	18	1	27.78	13
9	Норин тумани	12	41.20	14	0	0.00	0	161	32.88	16	5	27.78	14
10	Учқўрғон тумани	12	43.06	11	1	22.22	1	169	35.70	9	4	25.00	16
11	Чортоқ тумани	13	41.45	12	0	0.00	0	123	35.03	10	3	48.15	4
12	Чуст тумани	6	50.93	9	0	0.00	0	96	33.83	14	5	20.00	17
13	Поп тумани	11	41.41	13	0	0.00	0	80	37.26	7	18	39.04	7
14	Тўрақўрғон тумани	9	55.56	4	0	0.00	0	85	30.98	17	3	36.11	10
15	Янгиқўрғон тумани	25	52.44	8	0	0.00	0	143	32.96	15	3	33.33	11
16	Мингбулоқ тумани	7	54.37	7	0	0.00	0	68	34.31	11	11	28.03	12
17	Уйчи тумани	17	55.72	3	0	0.00	0	137	33.94	13	4	50.69	2
18	Давлатобод тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	6	52.31	1	14	61.11	1





	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили						Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Наманган шаҳри	50	24.00	12	17	23.04	7	10	21.11	15	0	0.00	0
2	Косонсой шаҳри	4	26.39	6	0	0.00	0	0	0.00	0	1	30.56	5
3	Ҳаққулобод шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	7	26.19	10	0	0.00	0
4	Учқўрғон шаҳри	6	23.15	14	2	27.78	3	1	33.33	2	0	0.00	0
5	Чортоқ шаҳри	12	18.98	16	2	18.06	8	5	25.00	12	1	30.56	4
6	Чуст шаҳри	10	27.78	4	2	23.61	6	5	30.56	5	0	0.00	0
7	Наманган тумани	49	24.38	11	0	0.00	0	50	27.17	8	0	0.00	0
8	Косонсой тумани	35	26.19	7	0	0.00	0	2	18.06	16	1	33.33	2
9	Норин тумани	8	25.00	9	0	0.00	0	32	31.60	4	0	0.00	0
10	Учқўрғон тумани	19	21.78	15	0	0.00	0	19	22.95	13	6	25.00	6
11	Чортоқ тумани	49	25.06	8	0	0.00	0	20	26.11	11	0	0.00	0
12	Чуст тумани	37	33.26	1	0	0.00	0	38	26.24	9	1	30.56	3
13	Поп тумани	24	23.73	13	2	23.61	5	84	28.64	7	2	22.22	7
14	Тўрақўрғон тумани	121	31.70	2	3	35.19	1	38	33.19	3	0	0.00	0
15	Янгиқўрғон тумани	83	26.57	5	4	26.39	4	47	28.84	6	1	41.67	1
16	Мингбулоқ тумани	17	24.51	10	3	11.11	9	9	22.53	14	0	0.00	0
17	Уйчи тумани	124	28.09	3	4	30.56	2	16	36.11	1	1	11.11	8
18	Давлатобод тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0





Oliy ta'lim fidoyilari

МАЪДАНШУНОС

Анвар — нур, зиё, ёруғлик дегани. Уз фарзандларига ота-оналар бу номни кўп қўйишларининг боиси шунда бўлса, ажабмас. Айниқса, зиёли оилаларда бу ном кенг тарқалган: Анвар, Анвара... Энг кекса, отахон олий ўқув юртимиз — Тошкент Давлат дорилфунунида ҳам бутун онгли ҳаётини ушбу муқаддас даргоҳга бахшида этиб келаётган Анвар исмли инсонлар кўп. Улардан бири Анвар Жулиев. У — маъданшунос, нақ қирқ уч йиллик ҳаёти, фаолияти ТошДУ билан боғлиқ. Меҳнат дафтарчасига фақат ушбу даргоҳ кадрлар бўлимининг муҳри босилган. Талаба, лаборант, илмий ходим, аспирант, ўқитувчи, доцент, декан, маҳаллий қўмита раиси, проректор, кафедра мудири — мана у босиб ўтган, ўтаётган йилларнинг сарҳисоб нуқталари.

Анвар Жулиев ер ости бойликларимиз ҳақида билиш мумкин бўлган маълумотлардан энг кўп хабардор олимлардан. Бунинг боиси у ишлаётган ТошДУ геология факультети азалдан Марказий Осиё учун бу соҳада етук мутахассислар тайёрлайдиган таълим-тарбия ўчоғи эканлигидир. Университетда, бошқа жойларда маъданшунослик соҳасида ўтган катта-кичик анжуман, йиғилишларда Анвар Жулиев ҳамкасблари қатори ташкилотчи, маърузачи сифатида фаол қатнашиб, бу борадаги янгилик, маълумотлардан муттасил хабардор бўлиб келаётганлардан бири.

Икки йил муқаддам Анвар ака бир гуруҳ ҳамкасблари, шахматчи оғайниларин Оқсоқотага саёҳатга олиб боргани, бир кеча-кундуз меҳмон қилгани ёдимизда. Пурвиқор тоғлар орасидаги бу гўзал, сўлим дара ТошДУ геолог, географ, биологлари дала амалиёти ўтказадиган жой бўлиб, ўз вақтида уни университет қарамоғига олишда раҳбарият анча-мунча саъй-ҳаракат қилган, юғур-юғур, ёзув-чизув кўпроқ факультет декани А. Жулиев зиммасига тушган эди. «Яхшиям шу ишни вақтида қилиб олган, айниқса, электр ўтказишга улгурган эканмиз, — дейди ҳамкасбимиз, — ҳозир нечоғли қийинлигини тасаввур этиб кўринг-а».

Эртаси эрталаб мезбон бизни дара бўйлаб беш-олти чақиримлик пиёда саёҳатга таклиф этди. Шунда қадрдон ҳамкасбимизни қайта кашф этдик, ўз соҳасини кенг ва чуқур билишига ишонч ҳосил қилдик. «Оқсоқота шуниси билан диққатга сазоворки, — деганди у ўшанда, — бу ерда полеозой, мезозой, кайнозой эралари ётқизиқлари мавжуд. Ҳу, анави жойда полеоген даврида денгиз бўлган, қазиб кўрилганда акула суяклари топилган, миллион-миллион ёшли ётқизиқлар ҳақида талабалар юз бор эшитгандан бир бор кўргани яхши-да, дарҳол миясига ўрнашиб қолади». Яна йўл-йўлакай турфа усимлик, майсалар, уларнинг шифобахш хусусиятлари, халқ табобатида ишлатилиши ҳақида мароқли ҳикоялар қилиб борди. Шу саёҳат асносида у ҳақда бир нарса ёзиш нияти туғилган эди.

Ўрта бўйли, миқти гавдали, очиқ юзли, оқиш жингалак сочлари ўзига ҳўп ярашган, ҳаракатлари чақкон дўстимизни олтмишга кирганига даъвфатан ишониш қийин. «Ёшингизга қараганда ёш кўринишингиз сабабларидан бири кўп пиёда юрганингиз, ҳўп юрт кезганингиз бўлса керак», дедим бир куни.

— Геолог билан бўрини оёғи боқади, — деганди ўшанда файласуфона. — «Журналистни ҳам», — дегандим фикрига қўшилиб. — Яна жиндак мия ҳам керак шекилли». «Тўғри, оёқ топади, бош айтади, қўл ижро этади». Бу шунчаки, чи-ройли чиқсин учун айтилган гап эмас. Марказий Осиёнинг кўп сарҳадларига қадами теккан, юртимизнинг тоғу тошлари, дашту саҳроларини ҳўп кезган, Боботоғнинг бу бошидан у адоғигача пиёда кезиб чиққан, табиат китобини синчиклаб ўқийдиган кишининг гапи эди бу.

Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Барча фанларга бирдек меҳр қўйсада табиий фанларга ихлос-иштиёқи, айниқса, баланд эди. «Сен геолог бўлишинг керак, — дерди севимли ўқитувчиси Анвар Измайлов. — Ёш адашининг табиатга, заминга ортиқ меҳр-муҳаббатини, сайр-саёҳатларда ўзгача фаоллигини кўриб, шундай маслаҳат берган бўлса ажабмас. Эллик тўртинчи йили Гулистон туманидаги ўрта мактабни медаль билан тугатган Анваржон ҳеч иккиланмай ТошДУ геология факультетига ҳужжат топширади, кириш имтиҳонларидан аъло баҳоларда ўтиб, ўқишга киради. Математикадан жавобларига қойил қолган доцентлар Ҳожимуллаев, Собировлар физматга киришни астойдил тавсия этишади, лекин унинг геологияга муҳаббати устунлик қилади. Эсида, тўртинчи курсда Китоб атрофларидаги тоғ-тошларда практика ўташаётганларида, амалиёт раҳбари тоби қочиб қолган, «қараб туриш»ни ёш, ғайратли Анваржонга ишониб топшириб, ўзи Тошкентга қайтган эди. Бир куни ҳузурларига истеъдодли геолог Иброҳим Ҳамробоев (кейинчалик таниқли академик) борган, талабалар ишидан хурсанд бўлган, анча маслаҳатлар берган эди. Илтимосига кўра, УзФА Геология институтига турфа тоғ жинсларидан кўп намуналар олиб борган, олим буни икки илмий ходимга кўрсатиб, бу бола сизлардан кўра кўпроқ материал олиб келибди, дея уларга дашном берганди. 1968 йилда эса «Бўр даврида гил ётқизиқларининг ҳосил бўлиш шароити» деган мавзуда номзодлик рисоласини ёқлади. Гил нечоқлик хосиятли жинс эканлигини қомуслардаги қисқа маълумотлардан ҳам билса бўлади, кўпроқ нарса билай деган одам академик Ферсман китобларини, катта-кичик рисола, тадқиқотларни ўқисин. Гил нефть, газни сақлаб турувчи ўзига хос парда ролини ўйнар экан, бурғулаш ишларида ҳам гилнинг ўрни бўлакча экан, ундан олинадиган эллик-олтмиш хил маҳсулот саноат, қишлоқ хўжалиги, медицинада кенг фойдаланилар экан.

Кабинетда ўтириб ишлаш, кутубхонада китоб титкилаш билангина юзага келмайди бундай тадқиқотлар. Кезиш керак, излаш, топиш, текшириш, ўрганиш, синовлар ўтказиш, яна кўп юмушлар билан булади булар. Анвар Жулиев барисининг ҳадисини олганлардан.

Бир марта Қашқадарё даштларида суви тугаб ташналикдан роса қийналишди. «Ҳу анави майса кўкариб турган жойда сув бўлиши керак, бориб олиб келаман», — дейди Анвар. Чиндан ҳам, бир булоқдан жилдираб сув чиқиб турган экан. Идишни тўлдириб, хурсанд бўлиб бошини кўтарса, нақ рўпарасида бир чипор илон — грюза ҳужумга ташланишга шай турган экан, сал кечикса, кор-хол бўлиши ҳеч гап масди. Бу хил хавф-хатарлар касбидан совутиш ўрнига, қаҳрамонимизнинг аксинча, ихлосини оширди.

Анвар Жулиев ТошДУ ректорларидан О. Содиқов, С. Сирожиддинов, Ш. Алимов, Т. Тўраев, проректорлардан П. Б. Азизовларни камоли ҳурмат билан тилга олганлигини, уларни феъли кенг раҳбар, одамни тушунадиган, кўнглини кўтара биладиган, ҳаммага бир хил самимий муносабатда бўладиган инсонлар сифатида эъзозлаши гувоҳимиз. Ўзи ҳам энг аввал ишга муҳаббат, бурчга садоқатни деди, ўзгалар ташвишини ўз манфаатидан устун қўйишга жасорат топа билди, наки юмуш ва топшириқ бўлса, сидқидилдан бажарди.

«Анвар Жулиев билан танишишимиз қизиқ бўлган, — эслайди профессор Ғайбулла Саломов. — Дарсларим йўқ вақтдан фойдаланиб, дастур, қўлланма, дарслик ёзишга, шогирдлар ишини кўришга берилиб кетиб, ишхонага кам келадиган пайтларим бўлган. Хорижий филология факультетида, узим бехабар, касал деб бўйруқ чиқариб қўйишибди. Уч ойгача маош ололмай, деканат билан ҳисобхона ўртасида сарсон қатнайман денг. Алам қилди, ҳўрлигим келди. «Маҳаллий қўмита раисига учранг, — маслаҳат берди кимдир. — Инсон манфаатини ҳимоя қиладиган одам». Борсам, боқишлари мулойим, хушрўй бир йигит ўтирибди. Саломдан кейин ёзган, чиқарган нарсаларимни столи устига бирма-бир ёйдим, тўлиб кетди. Аввал ҳайрон бўлди. «Айтинг, касал одам шунча ишни қила оладими», — дедим, йиғлагудек бўлиб воқеани айтиб бердим. «Тушундим, домла, — деди қўмита раиси. — Эртагаёқ маошингизни оласиз». Худди шундай бўлди, қўнғироқ қилишди, узр сўрашди». Катта ишини ниҳоясига етказа олмагани сабаби ҳам бир чекаси жамоат ишидан, ўзгалар ташвишидан орта олмаганидан бўлса ажаб эмас. Лекин ҳамкасблари, шогирдлари фан номзодлари, фан докторлари бўлишганда сидқидилдан қувонди, уларни қўллаб-қувватлади, шарт-шароит яратиш пайида бўлди.

ТошДУ геология факультети кафедра мудири, доцент Анвар Жулиев илмда, таълим-тарбияда анча иш қилди, ҳали яна иш қиладиган. Биолог Мунирахон билан ҳаётнинг паст-баландини кўриб, иссиқ-совуғига чидаб, ўғил-қиз фарзандларини тарбиялаб умр гузаронлик қилиб келишаётибди. Сарҳисоб этса, муҳокама қилса, ибрат олса арзигулик мазмунли ҳаёт бу.

Сайди УМИРОВ.

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Til haqida dildagi gaplar

БИР ШИНГИЛ ЛУТФ

Сўз мулкининг султони ҳазрат Навоий деган эканлар: — Кўнгил хазинасининг калфи тил ва у хазина калитини сўз деб бил.

Бир замонлар ўтди. Кўнглимиз «қулфи» беомон бўронлар заҳмидан занг босди. Лекин булут офтобни боқий тусиб туролмайди. Бугун чароғон кун келди.

Тил ҳам, дил ҳам, кўнгил ҳам энди ўзимизники.

Бугун миллат ўз вужудига чаплаб ташланган қора буёқларни ўзи ювяпти. Эҳтимол шу важдандир ўрт йилдирки «Ўзбек тили» доимий анжумани Республика миқёсида утказиб келинмоқда.

ДАСТАВВАЛ ШУНДАЙ БОШЛАНДИ...

Дарвоқе, тил ҳақида сўз демоққа, ҳазрат Навоийни варақламоққа бизни бир эҳтиёж мойил этди.

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги муҳташам Туркистон саройида тилимиз равнақи ва салоҳиятини ошириш мақсадида утказилаётган «Ўзбек тили» доимий анжуманининг тўртинчи йиғини кутаринки руҳ билан бошланди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими муовини Шуҳрат Жалилов табрик сўзи билан очди. Шунингдек анжуманнинг очилиш маросимида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим ва фан булими бошлиги ўринбосари Марат Зокиров, Республика халқ таълими вазири Жўра Йулдошев, ўзбек тили доимий анжумани раиси Низомиддин Маҳмудов, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиги Ҳамидулла Йулдошев ва яна бир қатор тилшунос олимлар, мутахассислар қатнашиб, анжуман иштирокчиларига ўз тилакларини билдиришди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган анжуман қатнашчилари даставвал тил ва маънавият хусусида, шу билан бирга она тилини ўқитишдаги баъзи муаммоларга бағишланган маърузаларни тинглашди. Халқ таълими вазири Ж. Йулдошев ўз маърузасида бугунги таълим тизимидаги қатор камчиликлар устида гапирар экан, аччиқ бир ҳақиқатни ҳам айтиб ўтди.

— Ўзбек тилининг жозибаси нақадарлигини билмасак, ўзга миллатлардан ўрганайлик. Ана чет элликлар бизга келишиб, икки ойда ўзбек тилини ўрганишди. Ваҳоланки, ўзимизнинг 30 йил дарс берган айрим ўқитувчиларимиз ўзбек тилини яхши билишмайди.

... Умуман олганда, чет элликларда ҳавас қилса арзигулик бир ўқитиш усули бор экан. Уларда ўқитувчи ўқувчини ўқитмас экан, ўқишга ўргатар экан. Мана шу усулни бизлар ҳам қўлласак, хато қилмаймиз.

Йиғилишда ўрта умумтаълим мактабларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишни давр талаби даражасига кўтариш борасида ҳам қатор маърузалар тингланди.

Кўннинг биринчи ярмида асосий ялпи мажлис тугагач, анжуман қатнашчилари турли шўъбаларга бўлиниб кетишди.

ШУ СИНГАРИ МАСАЛАЛАР ШЎЪБАЛАРДА...

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 561-боғчада, Акмал Икромов туманидаги 311-мактабда, 394-боғчада, Юнусобод туманидаги 273-мактабда, С. Раҳимов туманидаги 249, 29-мактабларда, Миробод туманидаги 110-мактабда, Тошкент шаҳридаги 25-ёрдамчи мактабда, шунингдек Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтган шўъба йиғилишларида, «Мактабгача тарбия муассасаларида давлат тили», «Бошланғич мактабларда она тилининг ўқитилиши», «Умумтаълим мактабларида она тили», «Олий таълимда ўзбек тили»... каби мавзуларда юздан ортиқ маърузалар ўқилди.

Шўъбалар йиғилишининг яна бир қувонарли томони шундаки, ҳар бир шўъба иштирокчилари ўзлари танлаб олган мавзунинг миридан-сиригача ўрганиб чиқишди.

СЎНГГИ СИРЛАШУВ

Донолардан бири айтган экан: «Ҳамма нарса ҳақида озроқ билиб, озроқ нарса ҳақида кўп билиш зарур».

Дарҳақиқат, доимий тил анжуманининг Республика Таълим марказида бўлиб ўтган якунловчи ялпи мажлисида ҳулди ана шу ақидага суяниб иш юритилди. Шўъбаларда айтиб ўтилган эътиборли мулоҳазалар ўзаро ўртоқлашилди, ҳал қилинмай қолган муаммоларга биргаликда жавоб изланди. Йиғилишда юқоридаги ақиданинг асл ижроси ҳам бажарилди. Яъни шўъба йиғилишларида ўзига тегишли муаммоларни ўрганиб келган қатнашчилар энди ўзлари яхши билмайдиган бугунги таълим тизимидаги янгиликлардан ҳам воқиф бўлишди. Бу янгиликлар хусусида вазир Жўра Йулдошев гапирар экан, барчани Ватан хизматидан толмасликка чақириб, мажлисга якун ясади.

ХУЛОСА

Икки кунлик тил анжумани нақадар кўтаринки руҳда ибтидо топган бўлса, интиҳоси ҳам шунга монанд бўлди. Бизнинг билишимизча, ҳар бир иштирокчи анжумандан улкан масъулият билан қайтди. Бу масъулиятнинг қанчалик ҳис қилинишини энди вақт кўрсатади.

ТИЛ ВА МАЪНАВИЯТ

Тил миллатнинг муқаддас ва бебаҳо мулкидир. Тилига эътибор қилмаган, тилини асраб-авайлай олмаган нўноқ қавмнинг, журъатсиз халқнинг тез-тез ўқдай тўзиб кетиши ҳеч гап эмас. Миллат деган улуғвор тушунчани шакллантирувчи энг асосий унсурлардан бири ҳам, энг аввало, тилдир. Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, тил миллатнинг бирлиги ва бутунлигидаги шаклий унсур эмас, балки бениҳоя муҳташам ва мунтазам мазмуний унсур, мураккаб моҳиятдир. Тил ва тафаккурнинг узвий боғлиқлигидан иборат қадим ҳақиқатни эсга олсак, бу фикрни исботлаб ўтиришнинг ҳожати қолмайди. Тилсиз тафаккур, тафаккурсиз эса тил йўқ.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, истибдод мафкураси ҳаётнинг, ҳеч бир истисносиз, барча жабҳаларида ҳукмрон бўлган, ижтимоий фанларнинг бурнидан сим ўтказдирилиб, «қизил» етовга олинган пайтларда тилнинг миллийлиги айтилардию тафаккурнинг миллийлигига унчалик ҳам ўрғу берилмасди. Чунки тафаккурнинг миллийлиги «шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ақидани мустаҳкамлашга хизмат қилмасди. У даврнинг қатъий қоидасига кўра мақбул истилоҳ «байналмилал», номақбул истилоҳ эса «миллий» сўзи эди. Чунки миллатларнинг ўзликларини англашлари оқибатида қизил салтанатнинг тагига сув кетиши аниқ эди. Миллий ўзликни англашнинг қонуний ва табиий интиҳоси истиқлол эканлигини давр сиёсатчилари яхши билар эдилар.

Миллий тафаккур бўлмаса, миллий ўзликни англаш, маънавий камолотга эришиш, демакки, эл эркини сарбаланд тутиш, Ватан озодлигини қўзининг қорасидай эъзоз этиш, юрт равнақи йўлида ҳар қандай мушкулотларни сабот ва матонат билан енга олишга ҳозир бўлиш қийин.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий тафаккур тарзи мавжуд. Номдор олимлардан бири «Агар Ньютон инглиз бўлмаганида эди, унинг буюк кашфиёти бўлмиш бутун дунё тортишиш қонуни, бироз бўлса-да, бошқача бўларди» деганида, ана шу ўзига хос инглиз тафаккур тарзини назарда тутганлиги, шубҳасиз. Тил орқали реаллашадиган тафаккур тарзининг ўзига хослиги борлиқни қўришнинг, идрок этишнинг ҳам маълум маънодаги ўзига хослигидир. Олмон алломаси Вильгельм фон Гумбольтнинг «Ер юзидаги тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турличалиги эмас, балки халқлардаги дунёни қўришнинг хилма-хиллигидир», деган гапи бор.

Она тилининг маънавият тарбиясидаги, инсоннинг маънавий камолотга эришувидаги ўрни беқиёсдир, чунки она тили инсоннинг бевосита руҳий олами, миллий табиати ва сажияси, бир сўз билан айтганда, миллий психологияси билан алоқадордир.

Инглиз журналисти Говард Брабиннинг «Она тили ва мия. Япон олимининг ғаройиб кашфиёти» номли мақоласи («Курьер ЮНЕСКО» журнали, 1982, № 3, 10-13-бетлар)да баён қилинишича, Токио университетининг тиббиёт профессори Таданобу Цунода 1981 йилда ЮНЕСКОнинг Афинада ўтган симпозиумида ўзининг 15 йиллик тажрибатадқиқотлари натижалари ҳақида ахборот берган. Профессор Цунода япониялик ва ғарблик (француз, инглиз, испан, немис ва ҳоказо) кишиларни ўз экспериментига жалб қилади. Тегишли замонавий аппаратлар ёрдамида уларга бир пайтнинг ўзида инсон овози, ҳайвонлар, ҳашаротлар товуши, турли механик товушлар, япон ва ғарб мусиқа асбоблари товушларини эшиттиради. Шунда маълум бўладики, япон ва ғарб типларининг, яъни япон ва ғарблик кишиларнинг бош мия ярим шарларида вазифаларнинг тақсимланишида фарқ мавжуд экан. Бошқача қилиб айтганда, япон киши бош миясининг чап ярим шаридаги марказлар билан қабул қилган товушларни ғарб киши бош миясининг ўнг ярим шаридаги марказлар билан қабул қилар экан. Тадқиқотчи бу фарқ этногенетика билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини аниқлаш мақсадида 20 та япон эмигрантининг болалари иштирокида яна эксперимент ўтказади. Натижа шуни кўрсатадики, бу фарқ генетик бўлмасдан, она тили муҳити билан боғлиқ экан. Ана шуларга асосланиб профессор Цунода қуйидагича хулоса чиқаради: «Мен инсоннинг ўз атрофидаги товушларни қабул қилиши, ўзлаштириши, сезиши ва тушунишини она тили дифференциация қилади деб ҳисоблайман. Она тили миядаги эмоционал (ҳис-ҳаяжон, кучли туйғу) механизмнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Болаликдан эгалланган она тили ҳар бир этник гуруҳнинг ўзига хос, бетакрор маданияти ва руҳий оламининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир деб ўйлайман».

Она тили инсон руҳий оламининг, миллий онгнинг ўзига хос созловчиси эканлигидан келиб чиқилса, маънавий-маърифий ислоҳотларимизда бу беназир неъматнинг фавқулодда аҳамиятини янада аниқ тасаввур этиш мумкин.

Она тили атрофимиздаги оламни, мураккаб тилсимот бўлмиш шу ёруғ дунёни билишнинг қудратли воситаси эканлиги ҳам ҳақиқат. Айни пайтда алломалар айтганларидек, она тилида шу тил эгаси бўлган халқнинг руҳи, бую басти, бутун борлиги акс этади. Бизнинг она тилимиз бўлмиш Ўзбек тилида асрларни қаритган тарихимиз, халқимизнинг бетимсол табиати ўз тажассумини топган. Ўзбек тили миллий бирлигимизнинг азалий ва абадий рамзидир. Президентимиз ўзларининг «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китобларида она тилимизнинг улкан аҳамияти ҳақида шундай деганлар: «Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради».

Мамнуният билан қайд этмоқ керакки, мамлакатимиздаги республика Тил комиссияси изчил фаолият кўрсатиб келмоқда. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг жадал бажарилишини назорат қилиб бормоқда, жойлардаги бу соҳадаги ноқисликлар ва оқсашларни рўй-рост кўрсатиб, уларни бартараф этиш, ўнглаш йўлларини белгилаб бермоқда.

Ёшларимизнинг она тилига бўлган муҳаббатларини тарбиялаш, уларда равон, ифодали ва ғўзал узбекча нутқ малакаларини шакллантириш, имло саводхонлигини ошириш борасида мамлакатимиз тил ва адабиёт ўқитувчилари олдида бениҳоя муҳим вазифалар турибди. Ҳозирча ёшларимизнинг бу соҳалардаги малакалари ва билимлари билан мақтана олмаймиз. Уларда муайян фикрни ижодий баён қила билиш, мустақил ижодий тафаккур, фикр ифодаси учун энг мақбул фавқулодда мувофиқ тил бирликларини топа олиш ва эркин, ифодали ҳикоя қила билиш малакаси етарли эмас. Ҳеч кимга сир эмаски, жамият аъзоларининг она тилидаги саводхонлиги ва маданий нутққа эгалиги шу жамият маданий савияси юксаклигининг белгисидир.

Шарқда сўзга чечанлик, назокат ва лутф билан сўзлай билиш ғўзал фазилат саналган. Қадимдан нотиқлик, воизлик, хотиблик бениҳоя нуфузли илм, сиру синоатга тўла санъат сифатида ривож топган, эл ўртасида эътиборга сазовор бўлган. Буларнинг барчаси учун ҳам она тили асосдир. Узбек тилидаги қадим инжа оҳанглар, маънолларнинг турфа товланишлари, туркона таранг мантиқ, ифода имконларидаги кенглик, сўз хазинасидаги зангинлик киши шуурида, қалбидан мутлақ жой олгандагина унинг нутқи, ваъзи, хитоби шиддатли қудратга айланади.

Келажаги буюк давлатимизнинг суръат билан ривож топмоғи учун барча соҳаларда, шу жумладан, она тили таълимида ҳам янгилик, такомиллаштиришнинг энг мақбул ва самарали усулларини излаб топиш йўлидан бормоғимиз зарур. Янгиликни шунчаки, эскидан фарқли бир нарсани топиш учун эмас, балки умумтараққиётимиз учун фавқулодда мос омилни топиш учун излаш керак. Таъкидлаш жоизки, янгилик фақат шаклда эмас, балки мазмунда бўлгандагина аниқ ва жиддий самара бериши мумкин. Она тили таълими жараёнларини янгилаш борасида ана шундай мақбул ишлар қилиняптими? Мустақиллигимизнинг беш-олти йили ичида анча-мунча ишлар қилинди. Узлуксиз таълим бўғинлари учун она тилидан мукобил дастурлар яратилди. Улар турли жойларда синовлардан ўтказилди ва утказилмоқда. Она тили чуқур ўқитиладиган мактаблар учун махсус дастурлар ишланди. Ўқувчида сўз ҳиссини чуқурлаштириш, сўз сезгисини ошириш, тил тушунчаларини теранроқ англатиш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ўйин-машғулотларни дарс жараёнларига кенг қўламда олиб киришга эътибор кучайтирилди. Аммо шу ўринда айтиш керакки, бундан йигирма йил илгари нашр қилинган «Қизиқарли грамматика» (Ҳ. Абдураҳмонов, Р. Икромова)дан бошқа бу йўналишдаги ишларга кумак берувчи шу типдаги қўлланма ҳалигача яратилгани йўқ. Мамлакатимизда она тили таълимининг концепцияси ишлаб чиқилди. Таълимда янгиликка интилиш ҳамиша давом этиши зарур.

Мактабда она тилини ўқитиш бўйича яратилган мукобил дастурларнинг деярли барчасида, айниқса, республикамиздаги она тили таълимининг фидойи билағонларидан бири Йўлдош Абдуллаевнинг дастури ва унинг иштирокида яратилган, ҳозиргача кенг амалиётда бўлиб келаётган дарслигида боғланишли оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Оғзаки ва ёзма нутқни ўстиришга қаратилган ишлар орасида матн устида ишлаш алоҳида салмоқ ва самарага эга. Шунинг учун ҳам бу масала юзасидан тупланган тажрибалар, янгича ёндашувларни муҳокама қилиш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш мамлакатимизда она тили таълими ривожи учун қатта фойда келтириши, шубҳасиз.

Матн устида ишлаш она тили таълими жараёнида энг асосий ишлардан бири эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ер юзида тил таълими деган тушунча энг ибтидоий бир шаклда пайдо бўлган илк даврларданоқ матн устида ишлаш ўқитишнинг асосий усули сифатида майдонга чиққан. Америка шарқшуноси профессор Сёмюэл Н. Крамернинг «Тарих Шумерда бошланади» (История начинается в Шумере. М.: Наука, 1991) номли китобида қайд этилишича, Месопотамияда, Дажла ва Евфрат дарёлари оралигидаги водийда яшаган халқ — шумерларда бизнинг эрамиздан 3000 йиллар илгари таълим тизими, мактаблар мавжуд бўлган. Уларда махсус дастурлар асосида шумер тили ва бошқа табиий фанлар ўқитилган. Шумер тили ва ёзувини ўргатиш жараёни, асосан, хилма-хил шеърий жанрлардаги матнларни ўқиш ва кўчириб ёзиш тарзида олиб борилган, матнларнинг ҳажми ками 50 сатр, кўпи эса 1000 сатрдан иборат бўлган (22-бет). Она тили таълими жараёнида матн ва у билан ишлашнинг муҳим омил эканлиги ҳамма замонларда чуқур тасаввур қилинган.

Матн устида ишлашнинг бош мақсади ўқувчида мукаммал нутқ малакаларини шакллантиришдан иборат. Табиийки, бу ишнинг хилма-хил усуллари, шакллари мавжуд бўлиб, уларни тинимсиз такомиллаштириб бориш давр талабидир.

Ўқувчилар билан ишлаш учун танланадиган матн қайси мавзу ва жанрда бўлишидан қатъи назар, у, энг аввало, тил жиҳатидан расо ва мукаммал бўлиши керак. Мавзунинг долзарблигига маҳлиё бўлиб, тили нўноқ ва қуруқ матнни танлаш ўқувчини бу муҳим машғулотдан бездиради, нафақат машғулотдан, балки тилидан ҳам бездиради. Танланадиган матнда ўзбек тилининг қиёссиз оҳорию оҳанги, қуюқ шираси, жонбахш жозибаси боланинг жажжи юрагини жизиллатмаса, ўқитувчининг бутун уринишлари бўшга кетаверади. Сийқа, бир қолипдаги жумлалардан иборат матндан бола тоза ҳузур туя олмайди, демакки, ўз нутқи учун ундан намуна олмайди. Умуман, она тили таълимида тирик, жонли, жозибали ўзбек тили ўрганилмоғи зарур.

Олий филологик таълимдаги тилшунослик курсларида ҳам ўзбек тилининг энг таъсирли ифода ва эстетик имконлари очиб берилиши шарт. Ана шу йўл билан мунтазам лисоний идрок, нозик сўз ҳисси тил ҳодисаларини тўғри ва холис тушуниш ҳамда тушунтириш малакаси, юксак тил ва нутқ маданияти кўникмалари, тийрак тил туйғуси шакллантирилмоғи мумкин. Ҳар бир бўлажак она тили муаллими бадиий асарни сўз санъати намунаси сифатида таҳлил ва имкони қадар тадқиқ эта билмоғи, комил бадиий дидга эга бўлмоғи шарт.

Тил ҳақидаги ҳар қандай фаннинг асосида «тил — ташқи олам — сўзловчи (тингловчи)» шаклидаги учлик ётмоғи керак. Тилшунослик фанларида миллийлик уфуриб туриши мақсадга мувофиқ. Ҳозирча тўлиқ шундай деб бўлмайди. Масалан, айниқса, «Услубшунослик» фанида ўзбекча оҳанг ва талқин жуда кам. Бу фанда русча қолиплар устунлик қилади. Яна ўша олмон алломаси В. Гумбольтнинг ушбу сўзларидаги аёвсиз мантиққа қулоқ тутайлик: «Цивилизация халқнинг ўз ичидан чиқиши мумкин ва шундагина у халқнинг руҳий, маънавий юксаклигини кўрсата олади. Лекин цивилизация бошқа мамлакатдан мажбурий олиб кирилса, у жуда тез тарқалиши, жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориши мумкин, аммо у халқнинг руҳи ва табиатига бениҳоя секинлик билан таъсир қилади».

Шуни ҳам айтиш лозимки, олий мактаб тил дарсликларини янгилашга жуда катта эҳтиёж мавжуд. Энг ками бугунги кун нуқтаи назаридан эскирган булим ва бобларни янгидан ёзиб, кичик-кичик рисолалар шаклида зудлик билан талабаларга етказиш мақсадга мувофиқ.

Хуллас, қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали жуда кўп.

Юртбошимиз ўзбекнинг ўз қадру қимматини таниганлигини, ўзлигини англаб бораётганлигини бир неча бор қониқиш билан таъкидладилар ва таъкидламоқдалар. Ватан истиқлолини мустаҳкамламоқдай шарафли ишда она тилига муҳаббат буюк кучдир. Ватан муҳаббати она тили севгиси билан пайвастадир. Ватанни, Ватан истиқлолини қўримоқ ҳамма ерда, ҳамма замонларда муқаддас иш ҳисобланган. Бугун мустақил Узбекистонимизнинг ойдин истиқболи учун барчамиз масъулмиз.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Абдулла ОРИПОВ

ОНА ТИЛИМГА

Минг йилларки, булбул каломи
Ўзгармайди яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Taklif va taassurot

... УЛАР ШУНДАЙ ДЕЙИШДИ

Дарҳақиқат, анжуман хусусида биздан эшитдингиз. Энди эса қатнашчиларнинг фикрини эшитинг.

Оқдарё туманидаги 11-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Э. СУЮНБЕКОВ:

— Тил анжумани ҳам мустақиллик дарахтининг меваларидан биридир. Тилимизга давлат мақоми берилгандан сўнг, ундаги баъзи бир муносабатларни ўзгартиришга тўғри келди. Бу борада анжуманнинг ҳиссаси катта бўляпти. Тилимизнинг ҳали ўрганилмаган жиҳатлари кўп экан. Биз буни тил анжумани пайтида анча-мунча англаб етаяпмиз.

Наманган ДПИнинг тилшунослик кафедраси мудири М. ЭСОНОВА:

— Бу йилги тил анжумани матн устида ишлашга бағишланди. Чунки ҳозир бу борада муаммоли жиҳатлар ҳам бор. Анжуманда матн муаммолари, уларни ҳал қилиш чоралари ҳақида айтиб ўтилди. Менимча, иштирокчилар бу борада ҳам ўзларига керакли маслаҳатларни олдилар, деб ўйлайман.

Боғот туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси З. ЭГАМОВА:

— Анжуманда ўқилган энг яхши маърузалар севимли рўзномамиз «Маърифат»да ёритилса.

Юнусобод туманидаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси М. ИКРОМОВА:

— Тил анжуманида муҳокама этиладиган мавзулар олдиндан бизга берилса. Бу йилги анжуман мавзуси бизга кеч айтилди.

Беруний туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси Р. ХУДОЙБЕРГАНОВ:

— Қорақалпоғистон республикасида ўзбек тили ҳам, қорақалпоқ тили ҳам давлат тили ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, кейинги анжуманда қорақалпоқ мактабларида ўзбек тили, ўзбек мактабларида қорақалпоқ тилини ўргатиш шўъбаси ташкил этилса.

Taqriz

ЮТУҚЛАРГА ТЎЛА ТЎПЛАМ

1996 йили «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган М. Юсупованинг «Диктантлар тўплами» яқинда мактабларимиздаги она тили ўқитувчиларига етиб келди.

Кўпдан буён бундай тўпламга катта эҳтиёж сезаётган ўқитувчилар, албатта, бундан мамнун бўлдилар. Чунки бир неча йиллардан буён бу соҳада чоп этилган мавжуд тўпламлар давр тақозоси билан маънан яроқсиз бўлиб қолган эди.

Мазкур «Диктантлар тўплами» умумтаълим мактабларининг 5—11-синфларига мўлжалланган. Унда ўқувчиларнинг имло ва тиниш белгиларига доир билимларини ва ҳосил қилинган малакаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган матн ва терма гаплар берилган.

Тўпламда имло ва тиниш белгиси билан боғлиқ бўлган ҳар бир мавзунинг хусусиятларидан келиб чиқиб, диктантнинг ҳар хил турларини — таъкидий диктант, изоҳли диктант, луғат диктанти, ижодий диктант, эркин диктант, эшитиш, сайланма, назорат диктанти, баъзан сайланма луғат диктанти, таъкидий ва изоҳли диктантлар ўтказиш ҳисобга олинган. Тўпламда кўрсатилган диктант турларини ўтказиш билан ўқитувчи ўқувчиларни турли имло луғатлари билан ишлашга ўргатиш имкониятига эга бўлади. Она тили дарсларида ўқувчиларда имло саводхонлигини шакллантиришда имло қоидалари ҳамда имло луғатларидан фойдаланиб, сўзларнинг ёзилиши таҳлил қилинади.

Айниқса, тўпламда ижодий диктант учун берилган топшириқлар ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ва нутқ кўникмаларини ўстиришга ёрдам беради.

Бир неча турдаги таълимий диктантлардан сўнг берилган боғланишли матнлар грамматиканинг маълум йирик мавзулари бўйича ўқувчилар билимларини синаш, саводхонлигини текшириш учун жуда қулайдир.

Тўпламдаги матнлар ва терма гаплар бадиий, публицистик ва илмий-оммабоп асарлардан олинган бўлиб, «Бобур ва ҳукмдор», «Тараққиёт тимсоли», «Олисдаги дўстлар», «Зафар йўли», «Айёр тулки ва баднафс бўри», «Соҳибқирон ўгити», «Бошни фидо айла...» сингари матнларнинг ғоявий мазмуни ўқувчиларга таълим беришдан ташқари, уларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳам хизмат қилади, таълим ва тарбия бирлигини таъминлайди.

Ундан ташқари, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билим даражаларига ҳам мос тушади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, мазкур тўплам мактабларимиздаги она тили ўқитувчиларининг иш фаолиятида доимий кўмак беради.

Аммо тўпламда кўрсатилган диктант турларини ўтказиш йўл-йўриқлари берилмаган. «Диктантлар тўплами»дан тажрибасиз ёш мутахассислар ҳам фойдаланишини ҳисобга олганда, ана шундай методик кўрсатмаларга эҳтиёж сезилади.

Тўплам муаллифи бу фикримизни танқид эмас, таклиф сифатида қабул қилади, деган умиддамиз.

Азиза ИБОДИЕВА,
Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг туркий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.

Саҳифа материалларини Алишер НАЗАР ва Гулноза МЎМИНОВА тайёрлади.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Qutlov

СИЗДАН ИБРАТ ОЛАМИЗ, УСТОЗ!

Маҳкам ака ҳақида ёзиш учун узоқ ўйладик. Йўқ-йўқ, у кишининг таржимаи ҳоли тўғрисида маълумот йиғиш учун эмас. Устознинг ҳаётномаси чеҳрасидаги нурда, кўзлари — қалбидаги покизаликда, тинимсиз ақлий меҳнат излари — пешонасидаги чизиқларда кўриниб турибди. Узоқ ўйлаганимизнинг боиси у кишининг қайси хислатларини алоҳида ва кенгроқ ёритиш важидан эди, зеро Маҳкам аканинг барча сифатларига ҳам кенг тўхталсак арзийди. Бироқ бунинг учун бир мақола эмас, катта китоб саҳифалари лозим бўлади.

Шундай пайтда «Туркистон» газетасида «Юрак майдонидаги одам» сарлавҳасида шогирдлар эҳтироми (Ислом Усмонов, Тўлқин Ҳайит) чоп этилди. Нега «Туркистон»да? Чунки, Маҳкам ака журналистлик фаолиятини шу газетада бошлаб, 1963-1988 йиллар давомида бу даргоҳда адабий ходимдан, катта адабий ходим, бўлим мудири вазифаларида ишлаган. Унинг чуқур мушоҳадали мақолалари, муаммоли очерклари, ҳозиржавоб репортажларининг бошланиши, улар орқали жамоатчилик назарига тушиши ана шу газета билан боғлиқ.

Унинг «Асрий барханлар орасида», «Зарафшон олтини излари», «Ялангтўш мардлари», «Туманлар ортида қуёш бор», «Китоб кенглигидаги юлдуз» сингари очеркларида ўзбек халқи фидойи фарзандларининг эл-юрт олдидаги хизмати, фан тараққиёти йўлидаги изланишлари, қалбини тўлқинлантираётган муаммолар, шахсий кечинмалари бадиий-публицистик ифодасини топган. Унинг қаҳрамонлари орасида оддий деҳқондан тортиб, кончию балиқчи, абитуриентдан тортиб фан заҳматкашларигача бор.

Олимлар Очил Тоғаев, Бердиали Имомовлар «Шарқ юлдузи» журнали, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида мақолалар ёзиб, бу очеркларнинг кўпчилигига юқори баҳо берган эдилар.

1988 йилда Маҳкам ака «Маърифат» («Ўқитувчилар газетаси»)га бош муҳаррир ўринбосари вазифасига таклиф қилинади. Бу бежиз эмасди, зеро у ўз фаолиятини 1959 йили ўрта мактабда педагогликдан, аниқроғи она тили ва адабиётидан дарс бериш билан бошлаганди. «Маърифат» газетасида ишлаш учун журналистика сирларини билишдан ташқари педагогикадан хабардор бўлиш керак. У эса педагогикадан хабардор эди.

«Туркистон»даги сермаҳсуллиги, тўплаган тажрибаси газетчиликда ҳам обдон «пишган»лигини кўрсатади. Халқ таълими муаммоларини яхши билганлиги учун ҳам «Маърифат» саҳифаларига долзарб мавзуларни олиб чиқди. Иқтидорлиларни ўқитиш тажрибалари, миллий мактаб муаммолари, таълим-тарбиянинг долзарб масалалари унинг қаламига мансуб асарларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Маҳкам ака давр билан ҳамнафас боради. Ўқиш, ўрганишдан тўхтамайди. Ўзбекистон ҳурриятга эришгач тизим ўзгарди. Хусусан, иқтисодий тизимни халққа тушунтириш учун уни билмоқ керак эди. Эллик саккиз ёшига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академиясида ташкил этилган олти ойлик иқтисод бўйича курсда ўқиди. «Маърифат» газетасида айни кунгача «Иқтисод сабоқлари» рукни остида чоп этилаётган мақолаларнинг барчаси Маҳкам аканинг тийрак нигоҳи, таҳлили ва таҳриридан ўтган мақолалардир.

Бугун вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, журналистикани тарк этаётган ҳамкасбларга Маҳкам аканинг фидойилигини, матонатини намуна қилиб кўрсатгимиз келади. Журналистикага эндигина кириб келаётган ёш авлодга эса унинг журналистик маҳорати, кенг мушоҳадаси, чуқур таҳлиллари ҳамиша ўрнак. Ишонмасангиз «Маърифат» ходимларининг асосини ташкил этадиган ёш журналистлардан сўранг. Вақтида қаттиққўл ва талабчан, вақтида ғамхўр ва меҳрибон устоз. Маслаҳат сўраб кирган шогирдларидан вақтини аямайди, тажрибалари билан ўртоқлашади. Ёш журналистларга тўғри йўл кўрсатади.

Унинг йўли қалб йўлидир, унинг мезони ҳалолликдир. Бу йўл ва мезон ҳаётига ҳамроҳ. У одамларни яхши кўради. Одамлар борки, мен борман, яшаяпман, ишлаяпман, — дейди устоз.

Маҳкам аканинг журналистикадаги меҳнатлари, юрт олдидаги хизматлари юқори баҳоланди. Ўзбекистон Президенти Фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони берилганига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Ўшанда ўзидан кўра бошқалар, аниқроғи шу касбнинг фидойилари кўпроқ хурсанд бўлишганди. Чунки бунда журналистикага садоқат тақдирланган эди.

Икки ўғил, икки қизнинг отаси, саккиз набиранинг бобоси, покиза қалбли, дилкаш инсон — Маҳкам ака Раҳмонов айни пайтда фарзандлари, ёру биродарлари, шогирдлари қуршовида самимий табрикларни қабул қиляпти. У киши олтмишинчи баҳорни қарши олди.

60 ёш ижодда марра эмас. Маҳкам ака ҳамон изланишда. Ижод билан банд. Энг асосийси, «Маърифат» газетасининг ёшлари унинг маслаҳатлари, ўгитларига эҳтиёжманд.

Сизни барча қатори биз ҳам яхши кўрамиз, Маҳкам ака. Доимо шундай азиз ва меҳрибон бўлиб қолинг, доимо соғ-саломат юринг, доимо биз билан бўлинг! 60 ёшингиз муборак бўлсин!

«МАЪРИФАТ»ЧИЛАР.



ҚИЛИЧБОЗЛИК

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, ўқувчиларни спортга, хусусан, қиличбозликка ошно этиш келгусида соғлом авлодни тарбиялаш учун пойдевор бўлиб ҳисобланади.

Республика мактаб ўқувчиларининг навбатдаги спартакиадаси иқтидорли спортчиларимиз талайгина эканлигини кўрсатди.

Мусобақанинг очилиши санъаткорларнинг чиқиши билан бошланди. Шундан сўнг қиличбозлар ўз маҳоратларини кўрсатишди. Кейин эса майдонга 100 нафардан зиёд моҳир спортчилар таклиф қилинди. Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган беллашувларда Тошкент шаҳар қиличбозлари жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб жамоаларга ҳомийларнинг рағбатлантирувчи совғалари топширилди.

СУРАТДА: мусобақадан лавҳалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

Иброҳим халилуллоҳ туш кўрди. Тушида Оллоҳи таоло унга ўғли Исмоил (алайҳиссалом)ни қурбонлик қилишни буюрди. Пайғамбарлар туши — рост! Шунинг учун ҳам Иброҳим халилуллоҳ қанчалик оғир бўлмасин бу амрни бажаришга аҳд қилди, суюкли ўғли Исмоил (алайҳиссалом)ни бошлаб чўлга олиб чиқди. Йўлда шайтон гоҳ Иброҳим халилуллоҳга, гоҳ Исмоил (алайҳиссалом)га васваса қилиб, уларни тангрининг бу амридан бўйин товлашга ундади. Бироқ ота-ўғил — буюк пайғамбарлар иблиси лаъиннинг иғволарига учишмади. Ниҳоят, Исмоил (алайҳиссалом) ётқизилиб, қўл-оёғи боғланиб қурбонликка ҳозирланди. Иброҳим халилуллоҳ эндигина ўткир тиғ пичоқни ўғлининг муборак томоғига қўйган ҳам эдики, парвардигори оламдан ваҳий келди: «Дарҳақиқат, сизларнинг садоқатларингизни синаб кўрдик... Албатта, сизлар чиройли амаллар қилувчи солиҳ бандаларимдандирсизлар... Оллоҳдан қўрқувчилар, унга бўйсунувчилар учун эса охиратда улуғ ажр-мукофотлар, бу дунёда ҳам яхшилик ва енгилликлар бордир...» Шундан сўнг Жабраил алайҳиссалом бир қўчқорни келтирди ва парвардигори олам Иброҳим халилуллоҳга ўғли ўрнида шу қўчқорни қурбонлик қилишни буюрганини айтди...

Ҳа, бутун оламлар Эгаси Оллоҳ — раҳмли ва меҳрибондир. У ҳеч қачон ўз бандаларига зулм қилмайди. У ҳеч қачон ўз махлуқларини тоқатидан ташқари нарсаларга буюрмайди. Ўша Иброҳим Халилуллоҳ воқеасидан сўнг мусулмонларга бирор жонлик қурбонлик қилиш вожиб бўлди. Шунинг учун ҳам ҳар йили бутун дунё мусулмонлари шу ой қурбонликлар қилиб байрам этишади. Бу кунни улуғлаб қурбон ҳайити, деб аташади.

Мана, муборак кун, муборак байрам қурбон ҳайити ҳам эшик қоқиб келмоқда. Қурбонликка тайёрмисиз? Жонлиқнинг бўғзига тиғ тортишдан аввал, қўлларингизни дуога очиб Оллоҳга илтижо учун шайланаётгандирсиз? Келинг, биргаликда дуо қилайлик:

Эй, Оллоҳ, сенинг йўлингга аталган қурбонлигимизни даргоҳингда қабул эт!

Эй, Оллоҳ, барчамизни ўзинг рози бўлган тўғри, йўлга бошла!

Эй, Оллоҳ, бизларга икки дунё саодатини ато қил! Фақатгина ўзингдан мадад кутдик...

1·1997

«БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ»НИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА



«Бошланғич таълим» журналининг бу йилги 1-сони босмадан чиқди. Янги сон, асосан, Самарқанд вилоятига бағишланади. 4-7-бетлардаги «Эҳтиром» сарлавҳали мақола орқали сиз Президентимиз Ислом Каримов ўқиган Самарқанддаги 21-мактаб билан танишасиз, юртбошимизнинг ўқувчилик даври ҳақидаги ўқитувчилар фикри билан ўртоқлашасиз.

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Анвар Бекмуродовнинг «Туб узгариш — янгиланиш» мақоласида вилоят халқ таълими соҳасидаги туб ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида фикр юритилади. Айниқса, «Истиқлол — менинг тақдиримда» номли давра суҳбати сиз азиз муштарийларда зўр қизиқиш уйғотиши табиий. Унда Самарқанд вилоятидаги бир гуруҳ бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг бир қатор қизиқарли савол ва мавзулар бўйича мунозараси ёритилган.

Бундан ташқари Эрон халқ таълими тизими ҳақида, тадбиркорликни қўлловчи Марказий Осиё — Америка фондининг Узбекистонда қилаётган ишлари хусусида ва яна бир қанча бошланғич таълим, футбол, мактабгача тарбия, математика, компьютер илми тўғрисидаги фикрлар жамланган мақолаларни журнал саҳифалари орқали қизиқиб ўқишингиз мумкин.

«Бошланғич таълим фидойилари» мақоласи орқали дарслик ва қўлланмалар яратиш тўғрисидаги очиқ танлов ғолиблари ва яратилган китоблар билан танишасиз.

Беҳзод тасвирий санъати ҳақидаги ва «Беруний бисоти» номли мақолалар, Тўлан Низомнинг «Маънавият — шууримиз» мақоласи ҳам муштарийларимиз севиб ўқийдиган мақолалардан.

Умуман олганда, журналнинг ушбу сонидаги қизиқарли ва сермазмун мақолалар нафақат халқ таълими ходимларини, балки бошқа муштарийларни ҳам қизиқтириши шубҳасиз.

Tadbir

ДАРСЛАРДА ОТА-ОНАЛАР

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 307-комплекс мактабнинг беш йиллик юбилей ҳафталиги «Маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш — бош вазифа» шиори остида ўтди. Ҳафталик дастуридан ўрин олган бошланғич ва юқори синфлардаги очиқ дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлар, айниқса, самарали бўлди. Бу тадбирларда «Мустақиллик» маҳалласи қошидаги хотин-қизлар кенгаши раисаси Сайёра Газиева бошчилигидаги ота-оналар фаол қатнашишди.

Ҳафталикнинг учинчи куни устоз мураббийлар «Узбекистон — менинг Ватаним» мавзуида умумий очиқ дарслар ўтишиб, Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалари юзасидан батафсил ахборотлар бердилар. Комплекс мактаб беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда мактаб жамоаси, ота-оналар, шу илм даргоҳи ташкил бўлишида яқиндан ёрдам берган туман ҳокимлиги, шунингдек, радио, телевидение ходимлари ва бошқа соҳа мутахассислари иштирок этишди. Унда мактаб директори Светлана Бочкарёва ва унинг ўринбосари Фотима Мирраҳимбоевалар илм масканининг босиб ўтган йўли, бугуни ва келажаги ҳақида сўз юритдилар.

11 апрель куни шу мактабда утказилган Тошкент шаҳар инглиз тили ўқитувчиларининг кенгаши ҳам юбилей тантаналарига уланиб кетди. Бу байрам тадбирларига узгача руҳ бағишлади.

Холмуҳаммад КАРИМОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Peace Corps Uzbekistan is seeking an
Assistant to the Program Manager for English Education

The successful applicant must be an English language professional who is fluent in Uzbek, Russian and English. Applicants must have extensive professional experience with the education system of Uzbekistan and a knowledge of program development and evaluation. Applicants should be creative and independent, with the ability and desire to assist Volunteers in their primary and secondary projects. This position requires extensive travel to all regions of Uzbekistan. The applicant should have demonstrated ability to work as a team member in a multi-cultural environment and a desire to interact with, support and advise U.S. Peace Corps Volunteers serving in Uzbekistan. Basic computer skills required (word processing, spreadsheets).

Resumes may be submitted and applications can be obtained from Peace Corps at the following address:
2nd Sapernaya Street 63/65
Tashkent, Uzbekistan
Phone: 54-94-84; 54-92-96; 54-96-60

Nafosat gulshani

«ЕТТИНЧИ ОСМОН»НИНГ ЮЛДУЗЛАРИ

Ҳозирги кунларда республика мактабларини кузатаркансиз, гоҳида кувонасиз, баъзан ташвишга тушасиз, ҳайрон бўласиз. Лекин, барибир, нима бўлгандаям ҳар бир педагогнинг заррача бўлсин, мақсади илм бериш эканини ўйлаб тинчланасиз. Тўғри-да, иш бор жойда, албатта нуқсон ҳам бўлади. Уни тугатиш учун маълум вақт керак бўлади? Биз эса, ўзгалардан «кир» қидириб ўтиргандан кўра, атрофга назар ташлаганимиз, иложи борича яхши, эзгу ишларни амалга оширганимиз маъқул. Ўйлаб кўрайлик, кун соат, ойлар ўтган сари даврлар, энг муҳими одамлар ўзгармоқда. Мана, яқиндагина бир қути чўпни қўлида айлантирганча математикадан сабоқ олган бола бугунга келиб компьютер билан тиллашиб ўтирибди. Утмишда атиги 100-200 кишининг кунглини оламан деб ҳеч қанақа электр асбобларсиз, қанча машаққатлар эвазига ўз санъатини намойиш қилган ҳофиз бобо-ю, момоларимизнинг бугунги авлодлари кучли техника тараққиёти туфайли бутун республика аҳлининг вақтини чоғ қилмоқда. Ҳа, ҳа, мен ҳам ҳозир айнан уша мусиқа санъати, унинг ажойиб, ёш ижрочилари ҳақида тўхталмоқчи эдим, аслида.

Хуллас, яқинда пойтахтимизда жойлашган Успенский номидаги болалар махсус мусиқа-мактаб-интернатига боргандим. Мактабларимиз хусусидаги баъзи мустақил ўйларим ҳам уша ерда тугилган бўлса, ажаб эмас. Яхшиси, ўзингиз бир эътибор беринг-а.

Мактаб-интернатнинг оддий мактаблардан биринчи фарқи шуки, бу ерда 3-синфгача бўлган болалар бошланғич синф ўқувчиси ҳисобланишади. Улар эса, рус, инглиз тилларида бемалол савол-жавоб қила олишяпти. Сабаби, 1-синфданоқ болага, айниқса, инглиз тили чуқур ўргатиб бориларкан. Бошланғич синфлар муаллимаси Саида Маҳмудованинг айтишича, уларнинг ўқув дастури оддий мактабларникига нисбатан анча мураккаб. Лекин болалар, барибир бу дастурни жуда тез ўзлаштириб олишади. Бунинг асосий сабаби, мактаб-интернатга ҳар бир ўқувчининг танлов асосида қабул қилиниши, қолаверса, фанлар кўпроқ мусиқага боғланган ҳолда ўтилиши бўлса керак.

Ҳақиқатан бу фикрларни, айниқса, фаннинг мутахассисликка боғлаб ўтилиши масаласида юқори синфларга дарс берётган муаллимлар ҳам анча гапиришди. Келинг, яхшиси ўзингиз уларни тинглаб кўра қолинг.

Умида МАҲСУМОВА, анатомия фани муаллимаси:

— «Ўзингиз биласиз, анатомия кўпроқ инсон организмининг ички ва ташқи хусусиятларини ўрганади. Шунинг учун ҳам мен дарсларимда ўқувчиларимизнинг булажак мусиқачилар эканликларини унутмаган ҳолда иложи борича инсоннинг эшитиш қобилияти, қулнинг ички тузилиши, кўриб эслаб қолиш сирлари, яна, масалан, пианинода қанча вақт ўтириш кераклиги ва ҳоказолар ҳақида кўпроқ баҳслар уюштиришга интиламан. Кўрибсизки, болалар бир томондан бу фанни туб — тубига шўнгиб ўргана бошлашса, иккинчи тарафдан мусиқа санъатининг маълум бир назариясини ҳам ўзлаштириб боришади».

Волида АБДУЛЛАЕВА, адабиёт муаллимаси:

— «Мен ҳам ўз ўқувчиларимни адабиётга қизиқтиришга, қолаверса уларнинг шу фан орқали озгина бўлса-да, мусиқий билим олишлари учун имконият яратишга ҳаракат қиламан. Масалан, дарс жараёнида ўқувчиларимиз иншо, баёнлар ёзишади. Булар эса, асосан таниқли бастакор ва композиторларнинг ҳаёти ҳамда ижодига оид бўлади».

Мактаб-интернатга вилоятлардан ҳам ўқувчилар қабул қилинади. Лекин улар хусусида ота-оналари сира қайғурмасаям бўларкан. Негаки, болалар учун шинам ётоқхона, бепул иссиқ овқат, қисқаси, барча қулайликлар муҳайё. Тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Дилдора Жамолова эса ўқувчиларнинг мазмунли дам олишлари илинжида доимо елиб югурганию югурган. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда, турли қизиқарли фестиваллар, танловлар, мусиқий саёҳатлар тез-тез ўтказиб турилади.

Бу даргоҳ ҳеч қанақа гимназия ёхуд лицей ҳам эмас. Фақат «махсус» деган номи бор, холос. Аммо ўйлайманки, у ўз номини оқламоқда. Мактаб-интернат ўқувчиларининг келгусида юлдузлар бўлиб порлашлари, албатта шубҳасиздир.

Олимжон ҲАЙИТ.

Ehtirom

БАРДАМ БЎЛИНГ, ҲОЖИАКБАР АКА!

Устоз деганда, аввало, кўз олдимизда ўзининг бутун борлиғини, қалб ҳароратини, юрак меҳрини усиб келаётган ёш авлодни етук ва билимли қилиб тарбиялаётган нуроний сиймо гавдаланади. Қаҳрамонимиз Ҳожиакбар Қурбонов ҳам ўзида ана шу хислатларни тула-тукис мужассамлаштира олган фидойи инсонлардан бири. Ёшгина Ҳожиакбар ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ илк бор ҳарф танитган устозларига айрича ҳавас билан қаради. Шу боис Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлагач, ўз иш фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлади. Кейинчалик Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи, 1956-59 йилларда эса (собиқ Октябрь) туман халқ таълими бўлими мудири лавозимларида фаолият курсатиб келди. Шу давр мобайнида у катта жамоага бошчилик қилиш билан бирга моҳир педагог, иқтидорли раҳбар сифатида танилди.

Мактаб директори, халқ таълими бўлими мудири. Бу лавозимлар фақат айтишгагина осон. Лекин бу вазифаларнинг негизида катта масъулият, ҳал қилиниши лозим бўлган мураккаб муаммолар, инсонни тарбиялашдек бағоят муҳим вазифалар ётибди. Улар таълим-тарбия маскани раҳбаридан чуқур билим, малака ва маҳорат, ташкилотчилик ва ташаббускорликни талаб этади.

Ҳожиакбар Қурбонов зиммасига юклатилган масъулиятли ва шарафли вазифани ҳалол ва сидқидилдан бажариб келди. Ҳозирда Ҳожиакбар ака Собир Раҳимов туманидаги «Маданият» маҳалласи оқсоқоли сифатида кексалик гаштини сурмоқда.

Устознинг узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У киши Узбекистон халқ таълими аълочиси, «Шуҳрат», «Жасорат» медаллари нишондори. Бир неча маротаба Республика халқ таълими вазирлигининг Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирланган.

Биз ҳам ўз навбатида устозни кўпминг сонли шогирдлари номидан қутлуғ 80 ёшлари билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз.

Миразиз РАҲИМОВ.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Маҳмуд Бобожонов!

Сизни туғилган кунингиз ҳамда педагоглик фаолиятингизга 20 йил тўлиши муносабати билан қутлаймиз. Шогирдларингиз номидан

Акром МИНГБОЕВ, Ўктам РЎЗИЕВ.

ЭЪЛОН

Паркент туманидаги 16-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Эргашев Аброр номига берилган VZA N 077914 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0229.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6